

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ЭЛЕКТР ТЕХНИКАСИ, ЭЛЕКТР МЕХАНИКАСИ
ВА ЭЛЕКТР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**



**ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР
ЭЛЕКТР МАШИНАЛАР**

ТОШКЕНТ-2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ЭЛЕКТР ТЕХНИКАСИ, ЭЛЕКТР МЕХАНИКАСИ ВА ЭЛЕКТР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**
йўналиши

“ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР ЭЛЕКТР МАШИНАЛАР”
модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тузувчи: проф. Н.Б. Пирматов

Тошкент – 2021

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: ТДТУ, “Электр машиналари” кафедраси профессори,
т.ф.д. Н.Б. Пирматов

Такризчи: ТТЙМИ, профессор, т.ф.н., У.Т. Бердиев

Ўқув -услугий мажмуа Тошкент давлат техника университети Кенгашининг 2020 йил 18 декабрдаги 4 - сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I.	Ишчи дастури.....	5
II.	Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....	10
III.	Назарий материаллар.....	17
IV	Амалий машғулот мазмуни	66
V	Кейслар банки.....	74
VI	Глоссарий	80
VII	Адабиётлар рўйхати	82

І. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Ушбу дастурда энергетика тармоқлари учун янги энергия тежамловчи технологиялари ва усулларини яратиш учун қўлланиладиган энергия тежамкор автоматлаштирилган электр машиналари ва трансформаторларнинг энергетик кўрсаткичларини оптималлаш мезонларини таҳлил қилиш ва қўллаш соҳаларини кенгайтириш, таркибий тизимларини замонавий бошқарилувчи ўзгарткичлар асосида тузиш, умумсаноат асинхрон моторларининг энергетик кўрсаткичларини юкланишнинг турли қийматларида ва ишчи механизмларнинг тезлигини ростлашнинг иқтисодий ва энергия самарадор усулларини ва энергия тежамловчи технологияларини яратиш муаммолари баён этилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Энергия тежамкор электр машиналар” модулининг мақсадлари: энергетика тармоқлари учун энергия тежамловчи электр машиналари ва трансформаторларнинг энергетик кўрсаткичларини ва иш режимларини оптималлаш орқали энергияни тежашнинг назарий асосларини яратиш, функционал схемаларини ишлаб чиқиш ва бу техник ишламаларни амалиётда қўллаш усулларини таҳлил қилиш каби малака ва кўникмаларини шакллантириш.

“Энергия тежамкор электр машиналар” модулининг вазифалари:

- Электр машиналар ва трансформаторларни энергетик кўрсаткичларини оптималлаш мезонлари турлари ва имкониятларини тушунтириш;
- Электр машиналар ва трансформаторларнинг функционал схемаларини тузиш ва таҳлил қилиш кўникма ва малакаларини шакллантиришни ўргатиш;
- Тингловчиларга энергия тежамловчи электр машиналар ва трансформаторларнинг янги турлари ва уларда энергия тежашнинг самарали усулларини

яратишда зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Энергия тежамкор электр машиналар” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- энергия тежамкор электр машиналар ва трансформаторларнинг тузилиши ва таснифлари;
- энергия тежамкор электр машиналар ва трансформаторларда энергия тежамкорликка эришиш усуллари ва уларнинг назарий асослари ҳақида **билимларга эга бўлиши;**

Тингловчи:

- энергия тежамкор электр машиналар ва трансформаторларнинг энергетик кўрсаткичларини оптималлаш мезонлари турлари ва имкониятларини таҳлил қилиш;
- энергия тежамкор электр машиналар ва трансформаторларни ишга тушириш, тезлигини ростлаш ва тормозлаш жараёнларида энергия тежаш усулларни билиш;
- энергия тежамкор электр машиналар ва трансформаторларнинг функционал схемаларини тузиш ва таҳлил қилиш **кўникма ва малакаларини эгаллаши;**

Тингловчи:

- энергия тежамловчи машиналар ва трансформаторларнинг янги турларини ўрганиш;
- энергия тежамкор электр машиналар ва трансформаторларда энергия тежашнинг самарали усулларини ўрганиш ва қўллаш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Энергия тежамкор электр машиналар” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Энергия тежамкор электр машиналар” модули мазмуни ўқув режадаги “Электр машиналарининг эксплуатацияси”, “Энергия тежамкор электр юритмалар” ва “Электромеханик тизимларни бошқаришнинг замонавий усуллари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг энергетика учун янги энергия тежамловчи технологиялари ва усуллари яратиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар энергетика тармоқлари учун янги энергия тежамловчи технологиялар ва усулларни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимооти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат			
		Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
1.	Энергия тежамкор трансформаторлар	4	2	2	
2.	Энергия тежамкор асинхрон моторлар	10	2	2	6
3.	Электр моторларнинг турли иш режимларида энергия тежаш. Электр моторларининг энергетик кўрсаткичлари	4	2	2	
4.	Синхрон машиналарнинг истиқболли турлари	4	2	2	
	Жами:	22	8	8	6

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: “Энергия тежамкор трансформаторлар

Энергетика тизимларда қўлланиладиган энергия тежамкор трансформаторлар. Энергия тежамкор трансформаторларда энергия тежаш усуллари. Энергия тежамкор трансформаторларнинг турлари. Ўзбекистонда энергия тежамкорликни амалга ошириш бўйича ҳукумат қарорлари.

2-мавзу: Энергия тежамкор асинхрон моторлар

Энергия тежамкор асинхрон моторларнинг турлари. Ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқилган янги энергия тежамкор асинхрон моторлари.

3- мавзу: Электр моторларнинг турли иш режимларида энергия тежаш. Электр моторларининг энергетик кўрсаткичлари

Асинхрон моторнинг иш режимлари ва энергия тежаш. Асинхрон моторнинг фойдали иш коэффициенти ва қувват коэффициентлари.

4- мавзу: Синхрон машиналарнинг истиқболли турлари

Криотурбогенераторлар, асинхронлаштирилган турбогенераторлар, магнитланиш ўқи буриладиган синхрон машиналар ва ўтаўтказувчан синхрон машиналар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Трансформаторнинг трансформациялаш коэффициенти, бирламчи ва иккиламчи чулғамлари фазавий тоқларининг номинал қийматларини ҳисоблаш

Трансформаторнинг трансформациялаш коэффициенти k_T , бирламчи ва иккиламчи чулғамлари фазавий тоқларининг номинал қийматлари I_{H1} ва I_{H2} ни ҳисоблаш.

2-амалий машғулот. Асинхрон моторнинг параметрлари аниқлаш ва механик характеристикасини қуриш

Асинхрон мотор статоридаги номинал тоқи, ишга тушириш тоқининг қарралиғи ва моментларни ҳисоблаш.

3-амалий машғулот. Синхрон моторнинг параметрларини ҳисоблаш

Синхрон моторнинг айланиш частотаси, статорнинг номинал ва ишга тушириш тоқлари, максимал, номинал, синхрон, ишга тушириш моментлари, ҳамда асинхрон моментини ҳисоблаш.

4-амалий машғулот. Параллел қўзғатишли ўзгармас ток моторининг параметрларини ҳисоблаш

Параллел қўзғатишли ўзгармас ток мотори номинал юкламадаги I_N токни, ишга тушириш қаршилигини R_{LT} , бошланғич ишга тушириш momenti M_{LT} ва салт ишлашдаги айланиш частотаси n_0 , салт ишлаш тоқи I_0 ни, юклама улангандаги номинал айланиш частотаси n_N ни ҳисоблаш.

ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛЛАРИ

Таълимни ташкил этиш шакллари аниқ ўқув материали мазмуни устида ишлаётганда ўқитувчини тингловчилар билан ўзаро ҳаракатини тартиблаштиришни, йўлга қўйишни, тизимга келтиришни назарда тутати.

Модулни ўқитиш жараёнида қуйидаги таълимнинг ташкил этиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъруза;
- амалий машғулот;
- кўчма машғулот.

Ўқув ишини ташкил этиш усулига кўра:

- жамоавий;
- гуруҳли (кичик гуруҳларда, жуфтликда);
- якка тартибда.

Жамоавий ишлаш – Бунда ўқитувчи гуруҳларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиб, ўқув мақсадига эришиш учун ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиш учун хилма-хил методлардан фойдаланади.

Гуруҳларда ишлаш – бу ўқув топшириғини ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўқув жараёнида кичик гуруҳларда ишлашда (2 тадан – 8 тагача иштирокчи) фаол роль ўйнайдиган иштирокчиларга қаратилган таълимни ташкил этиш шаклидир. Ўқитиш методига кўра гуруҳни кичик гуруҳларга, жуфтликларга ва гуруҳларора шаклга бўлиш мумкин. *Бир турдаги гуруҳли иш* ўқув гуруҳлари учун бир турдаги топшириқ бажаришни назарда тутди. *Табақалашган гуруҳли иш* гуруҳларда турли топшириқларни бажаришни назарда тутди.

Якка тартибдаги шаклда - ҳар бир таълим олувчига алоҳида- алоҳида мустақил вазифалар берилади, вазифанинг бажарилиши назорат қилинади.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“БИЛАМАН – БИЛИШНИ ХОХЛАЙМАН – БИЛИБ ОЛДИМ” МЕТОДИ

Б-Б-Б методи – *Биламан/ Билишни хоҳлайман/ Билиб олдим. Мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчиликни олиб бориш имконини беради.*

Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Талабалар:

- 1. Жадвални тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида /кичик гуруҳларда жадвални расмийлаштирадилар.*
- 2. “Мавзу бўйича нималарни биласиз” ва “Нимани билишни хоҳлайсиз” деган саволларга жавоб берадилар (олдиндаги иш учун йўналтирувчи асос яратилади). Жадвалнинг 1 ва 2 бўлимларини тўлдирадилар.*
- 3. Маърузани тинглайдилар, мустақил ўқийдилар.*
- 4. Мустақил/кичик гуруҳларда жадвалнинг 3 бўлимни тўлдирадилар.*

Методнинг мақсади – таълим олувчиларнинг рефлексив қобилиятларни, янги мавзунини ўрганиш, ушбу мавзуга ўз фикрини билдириш ва унинг мазмунини англаш қобилиятларинини ривожлантиришдир.

Ушбу метод талабаларни ўқитувчи ва бошқа тингловчилар билан ҳамкорликда ишлашга ва танқидий фикрлашга ундайди.

Б-Б-Б методини янги мавзунини ўқишдан аввал қўллаш ва мавзуга оид адабиётлар рўйхатини ва бошқа манбаларни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Мавзуга қўлланилиши:

Талабаларда мавзу бўйича қуйидаги савол берилади ва талабалар саволларга қараб жадвални тўлдирадилар.

Ривожланган ва ривожланаётган давлатлар учун халқаро талаблар

Биламан

Билишни хоҳлайман


Билиб олдим

1. Электр машиналари қўйилган талаблар. 2. Трансформаторларга қўйилган талаблар.	1. Электр машиналарининг характеристикаларини 2. Трансформаторларнинг характеристикаларини	1. Электр машиналари қўйилган талаблар 2. Трансформаторларга қўйилган талаблар 3. Электр машиналари ва трансформаторларнинг характеристикаларини
---	---	--

“SWOT-ТАҲЛИЛ” МЕТОДИ.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

	Кучли томонлари	Заиф томонлари
	Имкониятлар "O" — OPPORTUNITIES	Тусиқлар "T" — THREATS
Ташқи муҳит		
Ички муҳит	Афзалликлар "S" — STRENGTH	Камчиликлар "W" — WEAKNESS



Мавзуга қўлланилиши:

Электр машиналари учун функционал схемасининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Электр машиналари учун функционал схемаси фойдаланишнинг кучли томонлари	Ташкил этувчи элементларининг Open source (очиқ кодли), сонининг кўплиги
W	Электр машиналар учун фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Электр машинанинг виртуал машина орқали ишлаши
O	Электр машиналар фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	Элементларининг ўзаро боғланиши имкониятлари кенг
T	Тўсиқлар (ташқи)	Маълумотлар хавфсизлигининг тўлақонли таъминланмаганлиги

«ХУЛОСАЛАШ» (РЕЗЮМЕ, ВЕЕР) МЕТОДИ

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари таъбирланган тарқатма материалларни

ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрафлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилали:

навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилди. зарурий ахборотлар билан тўлдирилди ва мавзу

Мавзуга қўлланилиши:

Электр машиналар					
Ўзгармас		Ўзгарувчан		Махсус	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

“АССЕСМЕНТ” МЕТОДИ

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Мавзуга қўлланилиши:

Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

ТЕСТ:

Асинхрон моторларнинг статор чулғами қандай материалдан тайёрланади?

- Мис, пўлат
- Пўлат
- Мис

ТЕСТ:

Асинхрон моторларнинг вали қандай материалдан тайёрланади?

- Алюминий, мис
- Пўлат
- Мис

“ИНСЕРТ” МЕТОДИ

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:
-

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

Мавзуга қўлланилиши:

**Стандарт ва янги серия асинхрон моторлардаги асосий қувват
исрофларининг қиёсий тавсифи ва тақсимланиши**

№	Асосий қувват исрофлари	Стандарт асинхрон мотор (% ларда)	Янги сериядаги асинхрон мотор (% ларда)
1	Статор ва ротор чулғамларидаги актив қувват исрофлари	50	47
2	Магнит тизимидаги қувват исрофлари	30	25
3	Механик қувват исрофлари	5	5
4	Қўшимча қувват исрофлари	15	8
5	Умумий қувват исрофлари	100	85

**Стандарт ва янги сериядаги асинхрон моторлар энергетик
кўрсаткичларининг қиёсий тавсифлари**

Моторнинг номинал қуввати, кВт	Стандарт бўйича ишлаб чиқарилаётган мотор		Янги серияда ишлаб чиқарилаётган мотор	
	ФИК, %	$\cos \varphi$	ФИК, %	$\cos \varphi$
0,75	76	0,71	81,5	0,84
18,7	89	0,83	91,0	0,865

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: “Энергия тежкор трансформаторлар

Режа:

1. Трансформаторларнинг таснифи, уларга қўйиладиган асосий талаблар, габаритлари ва номинал катталиклари
2. Замонавий энергия тежамкор трансформаторларнинг турлари.
3. Трансформаторларнинг иш режимлари.
4. Трансформаторлардаги қувват исрофлари.

Таянч сўз ва иборалар: магнит ўтказгич, чулғамлар, юклама, салт ишлаш ва қисқа туташув режимлар, фойдали иш коэффициенти, қувват коэффициенти.

1. Трансформаторларнинг таснифи.

Бажарадиган вазифасига кўра транс-форматорлар қўйидаги турларга бўлинади: 1) *куч трансфор-маторлари*;

2) *махсус трансформаторлар*. Куч трансформаторлари ўз навбатида: *умумий мақсадли* ва *соҳавий* турларга бўлинади.

Электр энергияни узатиш, қабул қилиш ҳамда ишлатишга мўлжалланган электр тармоқлари ва ускуналарида электр энергияни ўзгартириш (кучланиш-ни ошириш ёки камайтириш) вазифасини бажарадиган трансформаторни ***куч трансформатори*** дейилади. Бу тоифага: қуввати 6,3 кV·А ва ундан катта бўлган *уч фазали* трансформаторлар ҳамда қуввати 5 кV·А ва ундан катта бўлган *бир фазали* трансформаторлар киради.

Нормал шароитда ишлаётган электр тармоғига улаш учун, ёхуд махсус иш шароити, юкламанинг характери ёки иш режими билан фарқ қилмайдиган энергия истеъмолчиларини бевосита таъминлашга тайёрланган трансформаторларни ***умумий мақсадли куч трансформаторлари*** дейилади. Трансформаторлар *фазалар сонига кўра*: бир, уч ва кўп фазали (соҳавий); *чулғамлар сонига кўра* – икки, уч ва кўп чулғамли турларга бўлинади.

Агар трансформаторнинг ҳар фазасида учта [юқори кучланишли (ЮК), ўрта кучланишли (ЕК) ва паст кучланишли (ПК)] электр жихатдан уланмаган чулғамлари бўлса, бундай ҳолда ***уч чулғамли*** трансформатор дейилади.

Агар трансформаторда $U_{1N} < U_{2N}$ бўлса *оширувчи*, $U_{1N} > U_{2N}$ бўлганида эса – *пасайтирувчи* трансформатор дейилади.

Электр энергияни трансформаторнинг қайси чулғамига берилишига қараб трансформаторни оширувчи ёки пасайтирувчи сифатида фойдаланиш мумкинлиги унинг *қайтарлик хоссасидир*.

Номинал қуввати ва кучланишларига боғлиқ равишда куч трансформаторлари ва автотрансформаторларининг габаритларга ажратилиши 1.1-жадвалда кўрсатилган.

Куч трансформаторларига қўйиладиган асосий талаблар. Электротехника саноатида ишлаб чиқарилаётган куч трансформаторлари ишончлилик, тежамлилик, чидамлилик ва бошқа муҳим жиҳатлари билан *жаҳон бозорида юксак рақобатбардош бўлиши зарур*. Шу сабабли мазкур трансформаторларга *қўйидаги асосий талаблар қўйилади: а) ишлаб чиқаришда ва ишлатишда тежамли бўлиши; б) ишлатишда ишончлилиги; в) исрофлар стандартда белгиланган меъёрдан ошмаслиги; д) параллел улаш шартларини қаноатлантириши; е) меъёрдан ортиқча қизиқ кетмаслиги; ф) кучланишни ростлашга имкон бериши; г) трансформаторни ишлатиш жараёнида айрим сабабларга кўра содир бўладиган қисқа муддатли ўта кучланишларга ва кам муддатли қисқа туташувдаги анча катта бўлган тоқлар таъсирига бардош бериши зарур*.

1.1–жадвал. Куч трансформаторлари ва автотрансформаторларининг габаритлари

<i>Габарит рақамлари</i>	Куч трансформаторлари ва автотрансформаторларининг стандартда белгиланган қаторга мос келувчи қувват ва кучланишлари	
	<i>Номинал қуввати</i> (S_N), кV·А	<i>Номинал кучланиши</i> (U_N), кV
I	$S_N < 100$	$U_N \leq 35$
II	$100 \leq S_N < 1000$	$U_N \leq 35$
III	$1000 \leq S_N < 6300$	$U_N \leq 35$

IV	$S_N \geq 6300$	$U_N \leq 35$
V	$S_N < 32\ 000$	$U_N \leq 110$
VI	$32\ 000 \leq S_N < 80\ 000$	$U_N \leq 330$
VII	$80\ 000 \leq S_N < 200\ 000$	$U_N \leq 330$
VIII	$S_N \geq 200\ 000$	$U_N \geq 330$

Трансформаторнинг номинал катталиклари. Трансформаторлар стандарт талабларига мос ҳолда техник шартлар бўйича тайёрланади ва электр энергияни ўзгартириш бўйича маълум вазифаларни бажариш учун белгиланади. Бу шароитлардаги трансформаторнинг иши номинал катталиклар билан характерланади ва улар электр жиҳозлари каталогларида ҳамда трансформаторга маҳкамланган паспорт тахтачада қуйидагилар кўрсатилган бўлади:

Трансформаторнинг тула номинал қуввати $V \cdot A$ ёки $kV \cdot A$ да кўрсатилади:

a) бир фазали икки чулғамли учун – $S_{1N} = U_{1N} \cdot I_{1N}$; **b)** уч фазали икки чулғамли учун – $S_{1N} = \sqrt{3} U_{1N} I_{1N} = 3U_{1N\phi} I_{1N\phi}$.

Трансформаторларда ФИК жуда ҳам катта бўлганлигидан икки чулғамли трансформаторда бирламчи (S_{1N}) ва иккиламчи (S_{2N}) чулғам номинал қувватлари тахминан бир хил бўлади, яъни $S_{1N} \approx S_{2N}$.

Номинал кучланиш деганда ҳар битта чулғамнинг линия кучланиши тушунилади. Иккиламчи чулғамнинг номинал кучланиши учун $U_{2N} = U_{2(0)}$ қабул қилинади. Трансформаторнинг номинал токлари деганда қуввати $S_1 = S_2 = S_N$ ва кучланишлари (U_{1N} ва U_{2N}) бўйича ҳисобланган 1- ва 2-чулғамларнинг линия қийматлари тушунилади. *Булардан ташқари:* **1)** номинал частота f_N ; **2)** фазалар сони m ; **3)** чулғамларнинг уланиш схемаси ва гуруҳи; **4)** қисқа туташув кучланиши $u_{qt.(\%)}$; **5)** трансформаторнинг типи; **6)** стандарт номери; **7)** совитиш усули ва бошқа айрим маълумотлар келтирилади.

2. Юқори энергия сарф-харажатларига нисбатан бутун дунё миқёсидаги тенденция билан боғлиқ ҳолда, барча электр трансформаторларининг паркини

Ўз ичига олган тарқатувчи трансформаторларда энергия йўқотишларини камайтириш жуда муҳимдир.

Дунёнинг етакчи ишлаб чиқарувчиларининг трансформаторларининг техник тавсифлари ва электроэнергия нархининг ўзгариши асосида, ОАО МЕТЗ номидаги Козлова янги ТМГ12 сериясининг энергия тежайдиган трансформаторлари ТМГ ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ушбу трансформаторлар МДХнинг барча умумий кучланишли трансформаторларидан бўш ва қисқа муддатли йўқотишларнинг энг паст даражасига эга ва Европа электр техникаси қўмитасининг (CENELEC) тавсияларига мувофиқ танланади. Бундан ташқари, созланган овоз кучини камайтиришга эга. Шундай қилиб, ушбу сериядаги трансформаторлар энергия тежайдиган ва кам шовқинли.

Етакчи жаҳон ишлаб чиқарувчилари (Сиэменс, АББ Ширкат) томонидан ишлаб трансформаторлари, бу кетма-аналоглар.

Ғарбий Европада, трансформаторлар сотиб олиш учун тендер узок трансформатор ҳаёти давомида ҳисобга нархи зарар олиб, нархлар ҳисоблаш учун ёндашувни фойдаланган, бу трансформаторлар ҳам жуда катта қизиқиш Беларус намоиш ва рус (Москва, Новосибирск) корхона.

Ушбу кетма-кет трансформаторлари техник хусусиятлари (2009 йилда кетма-кет ишлаб чиқариш ўзлаштирилди) - ТМГ12-100 / 10-U1 (HL1) ТМГ12-160 / 10-U1 (HL1) ТМГ12-250 / 10-U1 (HL1) ТМГ12-400 / 10-U1 (HL1) ТМГ12-630 / 10-U1 (HL1) ва ТМГ12-1000 / 10-U1 (HL1) истеъмолчиларга уларнинг қиймати ТМГ12-1250 / 10-U1 (HL1), нисбатан чиқимларни қоплаш даври эълон ҳажми ҳисобга мавжуд электр тарифлар ва тарифларни олиб, турли юк чартларининг да ТМГ11 трансформаторлар, иловада берилган.

Қуйи йўқотишлар ва шовқин моддий жойлаш технологияси билан эришилади, лекин трансформатор қиймати (ΔSt) ортиши, шундай қилиб, тез қопланади.

Мисол учун, 0.7 кунлик ўртача юк учун ҳам:

- 400 кВА қувват учун:

1. Нарх (тахминан 19,6 tys.ros. Rub., Бир трансформатор TMG11 билан солиштирганда) фарқ ҳақида 1 йил ичида ўзи учун тўлайди.

2. Йиллик энергияни тежаш 6,2 минг кВт / соатни ташкил қилади

• 630 кВА қувват учун:

1. Нарх (тахминан 24,1 минг рус. рубли., Бир трансформатор TMG11 билан солиштирганда) фарқ тахминан 1,45 йил берур.

2. Йиллик энергияни тежаш 5,3 минг кВт • соатни ташкил қилади

• 1000 кВА кучланиш учун:

1. Нарх фарқ (тахминан 34,9 минг рус. рубли., Бир трансформатор билан солиштирганда TMG11 тахминан 2.83 йил таннархини қоплайди.

2. Ортиқ 3,9 минг кВт • соат йиллик энергия тежаш

Иллюстрация -Россия йил 400 кВА ҳақида 1200 трансформаторлар ва 1900 кВА трансформаторлар 630 ва 1000 трансформаторлар 1000 КВА сотилган. TMG11 ўрнига TMG12 трансформаторларини сотиб олиб, энг муҳими консерватив ҳисоб-китобларга қараганда деярли 21,4 млн. кВт / соатни тежаш мумкин. йилда.

Энергия ортиқ 11 мини-иншоотларни иш билан мутаносиб бўлади (365 кун (бир йилга тўлиқ куч фаолият 260 кВт мини-гидротехник қуввати) каби ҳақида 22,8 миллион кВт • соат ишлаб чиқаради. Шу билан бирга, уларнинг қурилиш ҳақида 10 х 520 минг туради. АҚШ \$ = 5,2 млн. АҚШ доллари, хизмат кўрсатиш муддати давомида талаб қилинади¹.

1200 + 1900 учун + 1000 TMG12 трансформаторлар + 1900 ҳақида 104 миллион. Gru + 1000 TMG11 трансформаторлар 1200 учун кўпроқ тўлаш керак бўлади. рубль. (ёки 3,6 млн. АҚШ доллари) кўпроқ. Бу микдор ҳар йили ортиқ 67 млн. рубль таъсир келтирурман 1200+ 1900+ 1000 трансформаторлари чиқимларни қоплаш муддати охирида 1.55 йилларда қоплайди бўлади. Ҳар йили, хизмат муддати (энг камида 25 йил) давомида улар миллий иқтисодиётнинг ўз маҳсулотларига юқорида айтилган 10 мини-гидротехник деярли кўп куч тежаш имконини беради. Ва бунинг учун қўшимча харажатлар,

ер участкаларини ажратиш ва ҳ.к. (мини-ГЭС ҳолларида бўлгани каби) талаб қилинмайди.

Ушбу кўрсаткичлар электр энергиясининг нархига материалларга караганда анча юқори бўлган нархларда юқори трансформаторларнинг ўртача юки билан янада жозибатор бўлади.

3. Агар трансформаторнинг иккиламчи чулғамига юклама (Z_{yu}) уланса (1-расмда калит «К» уланган ҳол), ЭЮК E_2 таъсирида шу чулғамдан I_2 ток ўтиб, МЮК I_2w_2 ни вужудга келтиради. Бу МЮК асосий магнит оқимга акс таъсир қилишдан ташқари куч чизиклари номагнит йўллар орқали фақат шу чулғам ўрамлари билан илашадиган тарқоқ магнит оқим $\Phi_{\sigma 2}$ ни ҳам ҳосил қилади. Иккиламчи чулғам МЮК I_2w_2 нинг асосий магнит оқимга кўрсатадиган таъсирини Ленц қондаси ёрдамида тушунтириш мумкин.

Ленц қондасининг таърифи: «Ўзгараётган магнит оқим илашган берк ўтказувчи контур (занжир)да шундай йўналишдаги ЭЮК ҳосил бўладики, унинг вужудга келтирган токи ва у билан боғлиқ бўлган механик кучлар магнит оқимнинг ўзгаришига акс таъсир қилади».

Демак, агар иккиламчи чулғамга актив-индуктив юклама уланса, ундан ўтаётган токнинг реактив ташкил этувчиси I_{2r} вужудга келтирган МЮК $I_{2r}w_2$ трансформаторнинг бирламчи чулғам МЮК I_0w_1 га тесқари йўналган бўлиб, асосий магнит оқим Φ ни камайтиришга, актив-сиғимий юкламада эса I_0w_1 га мос йўналган бўлиб, асосий магнит оқимни оширишга интилади.

Актив-индуктив юкламада натижавий оқимнинг камайиши бирламчи чулғамда ЭЮК E_1 нинг камайишига олиб келади. Натижада, электр тармоғининг кучланиши $U_1 = U_{1N} = \text{const}$ бўлганлигидан $U_1 - E_1 = \Delta E$ туфайли ҳосил бўлган бирламчи чулғамдаги токнинг қиймати I_0 дан I_1 гача, яъни юклама токнинг магнитсизловчи таъсири тўла компенсация бўлгунга қадар ошишига сабабчи бўлади ва натижада трансформатордаги магнит оқим ўзининг дастлабки қийматига тахминан тенглашади.

Шундай қилиб, иккиламчи чулғамига юклама уланган трансформаторда магнит оқим Φ тўла ток қонунига биноан бирламчи ва иккиламчи чулғам

МЮК ларининг биргаликдаги таъсири туфайли яратилиб, уларнинг таъсир этувчи қийматларининг геометрик йиғиндиси салт ишлашдаги бирламчи чулғам МЮК $I_0 w_1$ га тахминан тенг бўлади:

$$\underline{I}_1 w_1 + \underline{I}_2 w_2 \approx \underline{I}_0 w_1 . \quad (1)$$

Бу ифодани **трансформаторнинг МЮК лари мувозанат тенгламаси** дейилади. Бунда: $\underline{I}_1 w_1$ – юклама уланган трансформаторнинг бирламчи чулғамда вужудга келадиган МЮК; $\underline{I}_2 w_2$ – иккиламчи чулғамда ҳосил бўладиган МЮК; $\underline{I}_0 w_1$ – салт ишлаётган трансформатор бирламчи чулғамининг МЮК.

(1) тенгламанинг иккала томонини w_1 га бўламиз ва $\underline{I}_2 (w_2/w_1) = \underline{I}'_2$ белгилашдан кейин ҳосил бўлган тенгламани қуйидагича ёзамиз:

$$\underline{I}_1 \approx \underline{I}_0 + (-\underline{I}'_2). \quad (2)$$

Бу ифода трансформаторнинг **тоқлар мувозанат тенгламасидир**.

(2) дан қуйидаги хулоса келиб чиқади: трансформатор бирламчи чулғамининг тоқи I_1 2 та тоқнинг геометрик йиғиндисидан иборат экан:

1) I_0 – бирламчи чулғамда МЮК $I_0 w_1$ ни ҳосил қилиб магнит ўтказгичда асосий магнит оқимни вужудга келтиради;

2) $(-\underline{I}'_2)$ – юклама тоқининг таъсири туфайли бирламчи чулғамдаги тоқ шу катталиқка ошади ва унинг бирламчи чулғамда ҳосил қилган $(-\underline{I}'_2 w_1)$ МЮК, *Ленц қондасига* биноан иккиламчи чулғам МЮК $I_2 w_2$ нинг таъсирини компенсация қилади.

Натижавий (асосий) магнит оқимнинг максимал қиймати Φ_{max} ни аниқлашда магнит занжирлари учун Ом қонунидан фойдаланамиз:

$$\Phi_{max} = \sqrt{2} (\underline{I}_1 w_1 + \underline{I}_2 w_2) / r_m . \quad (3)$$

Магнит оқимнинг бу қийматини (3.3) формуладан ҳам аниқлаш мумкин.

Бу ҳолда (3.8) даги $U_1 \approx E_1$ ни ҳисобга олиб қуйидагига эга бўламиз:

$$\Phi_{max} \approx U_1 / (4,44 f w_1). \quad (4)$$

Демак, бирламчи чулғамга берилган кучланиш U_1 ва унинг частотаси $f = \text{const}$ бөлганда трансформатор магнит ўтказгичидаги асосий оқим Φ ик-

киламчи чулғамга уланган юкламанинг қийматиға бозлиқ эмас эканлиги трансформаторнинг муҳим хоссаларидан биридир.

Бирламчи ва иккиламчи чулғамлар электр занжирлари учун ЭЮК ва кучланишлар мувозанат тенгламалари тегишлича уларнинг таъсир этувчи қийматлари орқали қуйидагича ифодаланади:

$$\left. \begin{aligned} \underline{U}_1 &= -\underline{E}_1 + jI_1X_1 + I_1r_1, \\ \underline{U}_2 &= -\underline{E}_2 + jI_2X_2 + I_2r_2. \end{aligned} \right\} \quad (5)$$

Куч трансформаторларида юклама токининг номинал ва унга яқин қийматларида бирламчи чулғамдаги кучланиш тушиши ($\Delta U_1 = I_1r_1 + I_1X_1$) номинал кучланиш U_{1N} нинг тахминан $2 \div 5$ фоизидан ошмайди. Шу сабабли трансформаторга юклама уланган режимда ҳам физик жараённи ойдинлаштириш мақсадида $\Delta U_1 \approx 0$ дейилганда, $|U_1| \approx |E_1|$ га эга бўламиз.

Трансформаторнинг салт ишлашдаги МЮК I_0w_1 унинг нормал юклама билан ишлагандаги МЮК I_1w_1 нинг тахминан $0,5 \div 3,0$ (яъни жуда кам) фоизини ташкил этганлигидан (4.1) тенгликдаги $I_0w_1 \approx 0$ деб қабул қилинса, жараённинг физик маъносини ойдинлаштиришга имкон яратилади. Бундай чекланмада чулғамлардаги тоқлар, улар вужудга келтирган МЮК лар ўзаро мувозанатлашадиган равишда йўналган бўлади, яъни

$$I_2 = -I_1 (w_1 / w_2), \quad (6)$$

бундан қуйидаги нисбатни ёзиш мумкин:

$$I_1 / I_2 \approx w_2 / w_1. \quad (7)$$

(7) дан, ЮК ва ПК чулғамлардаги тоқлар нисбати уларнинг ўрамлари сони нисбатиға тескари мутаносибда бўлар экан, деган хулоса келиб чиқади.

Замонавий куч трансформаторларининг ФИК катта ($\eta = 0,97 \div 0,99$) бўлганлигидан, юклама уланган ҳол учун физик жараённинг моҳиятини очиш мақсадида бирламчи ва иккиламчи чулғамлардаги электр қувватларни бири-бирига тенглаганда ($I_1U_1 \approx I_2U_2$) қуйидаги нисбатлар тенглиги келиб чиқади:

$$I_1 / I_2 \approx U_2 / U_1, \quad (8)$$

демак, трансформаторда тоқлар унинг кучланишига тескари мутаносибликда бселар экан.

4.Электр ускуналар (60%) ва қувват башорат мумкин таъминоти ва энергия трансформаторлар учун янада талаб ишончилигини ошириш ва энергия тежаш томон глобал тенденцияси бу зарурлиги ёмонлашуви юқори даражаси ҳисобга олиб, биз сизга ТМГ12 танлаш керак, деб маслахат берамиз².

ТМГ11 ва ТМГ12 серияли трансформаторларнинг энергия тежаш ва экологик таъсирини баҳолаш учун параметрлари қиёсий жадвали:


	Характеристикалар	ТМГ11-400/10-У1(ХЛ1)	ТМГ12-400/10-У1(ХЛ1)
1	Қуввати, кВ·А	630	630
2	Салт ишлаш қувват исрофи, кВт	0,83	0,61
3	Қисқа туташув қувват исрофи, кВт	5,6	4,6
4	Шовқин даражаси, дБА	70	61

	Характеристикалар	ТМГ11-630/10-У1(ХЛ1)	ТМГ12-630/10-У1(ХЛ1)
1	Қуввати, кВ·А	630	630
2	Салт ишлаш қувват исрофи, кВт	1,06	0,8
3	Қисқа туташув қувват исрофи, кВт	7,45	6,75
4	Шовқин даражаси, дБА	70	61

	Характеристики	ТМГ11-1000/10-У1(ХЛ1)	ТМГ12-1000/10-У1(ХЛ1)
1	Қуввати, кВ·А	1000	1000
2	Салт ишлаш қувват исрофи, кВт	1,4	1,1
3	Қисқа туташув қувват исрофи, кВт	10,8	10,5
4	Шовқин даражаси, дБА	73	64

2. Salimov J.S., Pirmatov N.B. Ekekr mashinalari. Darslik. – Toshkent: 2011.-408 b.

ЗАВИСИМОСТЬ СРОКА ОКУПАЕМОСТИ ДОПОЛНИТЕЛЬНЫХ ИНВЕСТИЦИЙ НА ТРАНСФОРМАТОРЫ ТМГ12 ПО ОТНОШЕНИЮ К ТРАНСФОРМАТОРАМ ТМГ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ СРЕДНЕЙ НАГРУЗКИ



Бошқа мумкин бўлган схемаларнинг таъсирини ҳисоблаш учун базалар роланти ва қисқа туташувнинг ҳалок бўлишига олиб келади.

Маълумот учун - ҳар бир соатда йўқотиш (кВт) трансформаторга ажратилади:

$$P = P_{xx} + \beta^2 \cdot P_{кз},$$

бу ерда P_{xx} - ишлайдиган йўқотишлар, кВт; $P_{кз}$ - қисқа туташувдаги йўқотишлар, кВт; β - трансформаторнинг юк коэффиценти.

Назорат саволлари

1. Трансформатор деб қандай қурилмага айтилади?
2. Энергия тежамкор трансформаторларнинг қандай типларини биласиз?
3. Ўзбекистонда энергия тежамкорликни амалга ошириш бўйича қандай ҳукумат қарорлари қабул қилинган?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: “Ўзбекистон”. 2017.- 592 б.
2. Berdiyev U.T., Pirmatov N.B. Ekektromexanika. Darslik.–Toshkent: Shams ASA. -2014.-391 б.
3. Salimov J.S., Pirmatov N.B. Ekekttr mashinalari. Darslik. – Toshkent: 2011.-408 б.
- 4.J.B.Gupta.Theory & Performanse of Elektrikal Mashine.Published by S.K.Kataria & Sons. 2015.
5. Alimxodjayev K.T., Pirmatov N.B., Ziyoxodjayev T.I. Ekekttr mashinalari. Darslik.– Toshkent: 2018.- 344 б.

2-мавзу: Энергия тежамкор асинхрон моторлар

Режа:

1. Асинхрон моторларнинг энергия тежамкор қандай серияларини биласиз?

2. Ривожланган хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг энергия тежамкор асинхрон моторлари.

3. Энергия тежамкор асинхрон моторларнинг серияларини белгиланиши.

Таянч сўз ва иборалар: энергия тежамкор асинхрон моторлар, статор, ротор, чулғамлар, энергетик характеристикалари, фойдали иш коэффициенти, қувват коэффициенти.

1. Операцион сарф-харажатларни сезиларли даражада камайтириш, 42% га камроқ йўқотиш, узоқ умр кўриш: янги энергия тежовчи двигателлар ҳар қандай нуқтаи назардан фойдали.

Ҳар бир инқилобга эга бўлган стандарт восита билан бир хил кучга эга бўлган энергия тежайдиган двигателлар электр энергиясини ва шунинг учун операцион харажатларни тежайди.

Аввало, истеъмолчи фойдани - табиатни ҳам олади, чунки энергияни тежовчи воситалар камроқ электр энергияси билан ишлашга имкон беради ва атроф-муҳитни яхшилайти, ортиқча ишлаб чиқариш жараёнида атмосферага CO₂ эмиссиясини олдини олади.

Энергияни тежайдиган двигателлар учун сарф-харажатларни қисқартириш¹.

Двигателнинг ўзи 10 йил давомида йилига 2000 соат ичида нархини моторнинг умумий қийматининг 3% дан кам. Электр нархининг улуши қарийб 95% ни ташкил қилади. Ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатиш харажатлари 2% ни ташкил қилади.

Юқори самарадорликка эга бўлган мукамал технология

Ушбу моторлар жуда юқори самарадорликка эга. Юқори самарадорлик қуйидаги яхшиланишларда эришилди:

- Юқори сифат пўлатдир
- Батафсил фаол моддалар (темир, мис ва алюминий)
- Яхшиланган совутиш тизими

Сиэменс технологик жараёнлари

Ушбу чора-тадбирлар зарарни камайтириши ва двигателнинг самарадорлигини оширишга имкон беради. Моторларнинг йўқотилиши 1,5% дан 42% гача камаяди. Бу шундан иборатки, тармоқдан сарфланадиган энергия йўқотишсиз ҳайдовчининг эҳтиёжларига мос келади.

Афзалликлари:

Энергияни тежашга қўшимча равишда, Сиэменс энергия тежайдиган восита қуйидаги афзалликларга эга:

- Иш пайтида шовқин камаяди
- Кенгайтирилган совутиш туфайли ортиқча юк кўтариш имконияти
- DURIGNIT® IR2000 частотали конвертор билан ишлашга мос
- Паст ҳароратли юклар - Операцион хавфсизлиги кафолати, оддий техник парваришлаш

Асосий техник маълумотлар


2,4 ва 6 қутупли, айланиш ўқининг баландлиги 315 мм гача;

Версия 50 Гц, 0,06 кВт дан 160 кВт га қадар

Версия 60 Гц, 0,75 кВт дан 150 кВт га қадар

Европа ИЭС ёки АҚШнинг NEMA стандартлари бўйича чиқишлар

Самарадорликнинг сезиларли ўсиши



Энергия тежовчи индукцион моторлар, стандарт асинхрон моторларга нисбатан самарадорликнинг сезиларли даражада ошиши туфайли операцион харажатларни камайтиради, энергияни тежаш ва атроф-муҳитни яхшилаш,

ортиқча ишлаб чиқариш жараёнида атмосферага CO₂ эмиссиясини олдини олиш.

Тўғридан тўғри электр тармоғига уланадиган электр моторлари



2. Сиэменс концерни турли хил модификацияни турли механизмлар учун ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқариладиган қувватлар диапазони 0,7 кВт дан 1550 кВтгача (айланиш ўқининг баландлиги 100 мм - 635 мм).

Тавсия этилган двигателларнинг ўзига хос хусусияти қуйидагилардир:

- Замоनावий муҳандислик учун жуда муҳим бўлган кичик ҳажм
- юқори ишончлилиқ
- паст шовқин ва тебраниш
- ишга туширишнинг силлик амалга оширилиши.

СИМЕНС компаниясининг тўғридан-тўғри моторлари янги ишлаб чиқилган ускуналарнинг иқтисодий ва техник кўрсаткичларини яхшилашда муҳим рол ўйнайди. Улар юқори сифатли материаллардан фойдаланган ҳолда Германиянинг заводидаги энг замонавий ускуналарда ишлаб чиқарилади. Махсус танланган материаллардан фойдаланиш натижасида чўткалар учун жуда кам қийматларига эришилди. Юқори сифатли коллектор билан биргаликда бундай ечимлар ишлаб чиқарилаётган двигателларнинг хизмат кўрсатиш муддатини сезиларли даражада оширади. Агар муаммо юзага келса, яхши ривожланаётган сервис компаниялари тармоғи уларни қисқа вақт ичида ҳал қилади.

Барча турлар юқори ҳимояланганлик даражаси (IP23, IP54 ва IP55 муҳофаза қилиш даражаси) ва кенг тартибга солиш оралиғи (1: 1000гача) билан тавсифланади. Барча моторлар бошқариладиган ректификаторлар томонидан

қувватланади. Ушбу моторлар жуда паст тезликда ишлашга мослашган, мил эса силлик тарзда айланади¹.

DURIGNIT 2000 уalitim тизими туфайли, моторлар тропикал намлик ва тажовузкор муҳитда ишонч билан ишлаши мумкин. Ушбу уalitim тизими (изоляция синф F) қуйидагилардан иборат:

- изоляциялаш класси Н билан лакланган симлар
- сиртларни изоляцияси (F ва ундан юқори изоляция синфлари)
- эримайдиган катронлар билан емдириш

Бундан ташқари, изоляцияни мижознинг эҳтиёжига қараб жуда қийин иш шароитида фойдаланиш мумкин.

Двигателларни алмаштириш тизими жуда ишончли ва атроф-муҳит таъсирига ёки электр узилишларига боғлиқ равишда кераксиз восита бузилишларини бартараф этади.

Двигателлар юқори ишончилиги ва букилиш қатъийлигига эга, бу айниқса рулман конларини нормал ишлаши учун муҳимдир.

Ўрнатиш модулдир, шунинг учун клеменс қутиси двигателнинг ҳар икки тарафида ёки лентали ёки фаннинг ташқи муҳрида мил билан бирга бўлиши мумкин.

Ростлашга катта эътибор қаратилади. 200 мм дан ортиқ баландликдаги моторлар фойдаланилган.

Бундан ташқари, двигателга қўшимча двигател билан ёрдам бериш мумкин. Ушбу параметр, миля устидаги юқори ламел юк (занжир) лойиҳалаштиришда талаб қилинади.

СИЭМЕНС тўғридан-тўғри оқим моторларининг яна бир афзаллиги жуда кам шовқин даражасидир. Қутбларнинг махсус шакли милнинг паст нурли қийматларини таъминлайди, бу махсус фан шакли билан биргаликда чиқадиган шовқин даражасини пасайтиришга ёрдам беради.

1. Salimov J.S., Pirmatov N.B. Ekekr mashinalari. Darslik.– Toshkent: 2011.-408 b.

Иқлим шароитига қараб зичлик юзага келиши мумкин бўлган жойларда фойдаланиш учун ички иситгичли восита буюртма бериш мумкин.

Бундан ташқари, ўрнатилган қурилмалар билан моторларни буюртма қилиш мумкин, масалан:

- Ҳозирги ҳароратни қайд этиш учун ПТС термистор
- Минимал рухсат этилган чўтқаси узунлигини кузатиш учун микросвитч ёки потенциометер (Сиэменс чўтқанинг ўртача умрини оширишга муваффақ бўлди: 1Гб турдаги моторларда 15000 иш соати)
- фонар оқимини назорат қилиш ва тартибга солиш учун мўлжалланган сенсорли ҳаво флар
- рулман қўллаб қувватлашида жойлашган тебраниш сенсори; ушбу қурилмадан олинган сигнал узлуксиз баҳоланади ва ётоқ бирликларининг иш шароитлари тўғрисида маълумот беради
- турли хил кучланиш ва турли зарба сенсорлари учун тахогенераторлар; ва бошқалар

Тип двигателя		Вых. мощность, кВт.	Ном. частота вращения вала, об/мин.	Вых. момент, Н*м	Макс. частота вращения вала, об/мин
IGG5	100	1,2	1500	8	7000
	102	1,7	1500	11	7000
	104	2,8	1500	18	7000
	106	3,9	1500	25	7000
	108	5,5	1500	35	7000
	114	6,4	1500	41	6000
	116	8,5	1500	54	6000
	118	9,3	1500	59	5500
	132	12,8	1500	81	5000
	134	17	1500	108	5000
	136	22	1500	140	5000
4. J.B.Gupta.Theory & Performanse of Elektrical Mashine.Published by S.K.Kataria & Sons. 2015.

4- мавзу: Синхрон машиналарнинг истиқболли турлари

Режа:

1. Криотурбогенераторлар
2. Асинхронлаштирилган турбогенераторлар
3. Магнитланиш ўқи буриладиган синхрон машиналар
4. Ўтаўтказувчан синхрон машиналар

Таянч сўз ва иборалар: синхрон машиналар, криотурбогенератор, асинхронлаштирилган турбогенератор, ўтаўтказувчан синхрон машиналар, магнитланиш ўқи буриладиган синхрон машиналар фойдали иш коэффициенти, кувват коэффициенти.

1. *Криотурбогенератор.*

Унинг ротори суюқланган гелий билан совитилган криостатдан иборат бўлади. Кўзғатиш чулғамида ток зичлиги 100 A/мм^2 машинанинг ҳаво оралиғидаги индукция эса $1,3\div 1,5 \text{ Т}$ га етади. Бундай индукцияларда криогенератор статори тишсиз қилиб тайёрланади. Статор чулғами сув билан совитилади. Криотурбогенераторлар ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш босқичида тажриба синовларидан ўтказилмоқда.

2. *Асинхронлаштирилган турбогенераторлар (АСТГ).*

Турбогенератор-ларнинг қуввати ошган сари уларнинг параметрлари ёмонлаша боради; бу ҳол эса энергетика системасининг эксплуатация шартларига салбий таъсир кўрсатади. Реактив қаршиликлар қийматларининг

ошиши, генераторларнинг инерция моментларининг камайиши, ҳамда электр узатиш линиялари (ЭУЛ) узунлигининг ва улар орқали узатиладиган қувватларнинг ошиши электр системаларининг *динамик турғунлигини пасайтиради*. Энергетика системасида актив юкларнинг камайган соатларида ортиқча реактив қувватнинг ҳосил бўлиши ЭУЛ да меъёрдан ортиқ кучланишнинг ошиши вужудга келади. Син-хрон генераторлар катта қийматли реактив қувватни истеъмол қилиш ре-жимида, ҳатто кучли таъсир қилувчи регуляторлар бўлганда ҳам турғун ишлай олиш қобилиятига эга эмаслар.

Агар ЭУЛ да *магнитланиш ўқи буриладиган* синхрон турбогенераторлар (шу жумладан, АСТГ лар) қўлланилса, юқорида кўрсатилган муаммоларни ечишда катта ижобий натижалар олинади. АСТГ нинг одатдаги синхрон генератордан фарқи шуки, унинг роторида бири-биридан фазода 90° бурчакка силжиган икки фазали қўзғатиш чулғами жойлаштирилган бўлиб, улар бошқариладиган статик ўзгартгичга уланади. Икки фазага алоҳида ўзгармас ток бериб ишлатилса, АСТГ одатдаги синхрон режимда ишлайди. Бундай режимда ишлайдиган синхрон генераторларни *икки ўқи бўйича қўзғатишли ёки бўйлама-кўндаланг қўзғатишли* синхрон машиналар дейилади.

Асинхронлаштирилган синхрон машиналар. Агар синхрон машинада бир-бирига перпендикуляр бўлган иккита қўзғатиш чулғами бўлиб, уларга икки фазали ўзгарувчан кам частотали кучланиш манбаи уланса, у ҳолда бу чулғамлардан синусоидал тоқлар ўтади ва қўзғатиш чулғамида магнитланиш ўқи буриладиган МЮК ва айланма магнит майдонини ҳосил қилади. Бу майдон роторга нисбатан кам қийматли сирпаниш билан айланади.

Шу сабабли, бундай машиналарни ***асинхронлаштирилган синхрон машиналар*** дейилади. Бундай машиналарнинг тузилиши ва ишлаш принципи бўйлама ва кўндаланг ўқлари бўйича қўзғатиладиган синхрон машиналарники каби бўлади, аммо қўзғатиш чулғамларига барқарор иш жараёнида ўзгармас ток берилса, ўтиш жараёнларда эса бу чулғамларга ўзгарувчан частотали кучланиш берилади. Бу машиналар ҳам мотор, генератор ва синхрон компенсатор режимларида ишлаши мумкин.

Бу машиналарнинг характеристикалари (синхрон иш режимда) ва кўндаланг қўзғатиш чулғамининг роли ҳам худди бўйлама-кўндаланг ўқлари бўйича қўзғатиладиган машиналарники каби бўлади.

Ҳозирги вақтда Украинанинг Бурштинск ИЭС да иккита 200 MW ли икки ўқи бўйича қўзғатишли асинхронлаштирилган турбогенератор ишлаб турибди. Таъкидлаш лозимки, Россияда Украина билан ҳамкорликда қуввати 800 MW булган асинхронлаштирилган турбогенераторнинг лойиҳаси устида ҳам ишлар олиб борилмоқда.


3.Магнитланиш ўқи буриладиган синхрон машиналар

Бўйлама – кўндаланг қўзғатишли синхрон машиналар. Бундай син-хрон машиналарнинг статор тузилиши анъанавий синхрон машиналарникидан фарқ қилмайди. Синхрон машина роторидаги тинчлантирувчи (генератор режимда) ёки ишга тушириш чулғами (мотор режимда) ўрнига икки ёки m фазали қўзғатиш чулғами жойлаштирилади. Қуйида икки фазали, чулғами бўлган ноаён ва аён қутбли роторнинг тузилишини кўриб ўтамиз. Бўйлама ва кўндаланг ўқлари бўйича қўзғатиладиган синхрон машинанинг ротори *ноаён қутбли* бўлса, симметрик икки фазали қўзғатиш чулғами ротор пазларига худди якорь чулғами ёки фаза роторли асинхрон моторнинг ротор чулғами каби ўралган бўлади. Агар икки чулғам "ах" ва "ву" лар ҳар хил бўлса, яъни носимметрик бўлса, улар ҳар хил ҳажмни эгаллайди. 25.1,*а*-расмда "ах" чулғам умумий пазларнинг 3/4 қисмини, «ву» чулғам эса 1/4 қисмини эгаллаган бир катламли ноаён қутбли роторнинг чулғамлари кўрсатилган¹.



Ноаён қутбли бўйлама ва кўндаланг ўқлари бўйича қўзғатиладиган син-хрон машиналарда бўйлама ўқи "ах" қўзғатиш чулғамининг ўқи бўйича йўналган бўлиб, унинг мусбат йўналиши "ах" чулғамнинг магнит оқими билан бир хилда йўналган бўлади. Кўндаланг ўқ «қ» эса "ву" қўзғатиш чулғами ўқи бўйича йўналган бўлади. Шу сабабли "ах" қўзғатиш чулғамини – *бўйлама*, "ву" қўзғатиш чулғамини эса *кўндаланг қўзғатиш чулғамлари* дейилади.

Бўйлама-кўндаланг ўқлари бўйича қўзғатиладиган синхрон машинанинг ротори аён кутбли бўлса, у ҳолда қўзғатиш чулғамлари "ах" ва "ву" ларни бир хил, яъни симметрик қилиш мумкин эмас.

Асосий бўйлама қўзғатиш чулғаи "ах" худди оддий синхрон машиналардаги қўзғатиш чулғаи каби жойлаштирилади, қўшимча кўндаланг чулғаи "ву" эса демпферловчи (мотор режимида «ишга туширувчи») чулғам ўрнида жойлаштирилади (1,*b*-расм) ва бу чулғамнинг МЮК асосий чулғам МЮК нинг 15÷20 % ни ташкил этиши мумкин.



1-расм. Қўзғатиш чулғамлари "ах" ва "ву" ҳар хил бўлган ноаён кутбли ротор (*a*), демпфер чулғаи ўрнига кўндаланг қўзғатиш чулғаи жойлаштирилган 8 кутбли (*b*) ва 4 кутбли (*c*) аён кутбли роторлар (4 кутбли моделда: бўйлама (2) ва кўндаланг (3) қўзғатиш чулғамлари; 4 ва 1 – мос равишда уларга тегишли контакт ҳалқалар) ҳамда мажбурий ва эркин тебранишлар частоталари $\omega_{maj} \approx \omega_{xus}$ бўлгандаги юкланиш бурчаги θ нинг тебранишларини ростлаш натижалари



Бундай синхрон машиналарнинг *ишлаш принципи* оддий синхрон машинаникидан фарқ қилмайди, фақатгина ўтиш жараёнлар вақтида кўндаланг қўзғатиш чулғаи "ву" ишга туширилади. Иккала қўзғатиш чулғаи хам ўзгармас ток манбасидан кучланиш берилади. Бу машиналар мотор, генератор, синхрон компенсатор режимларида ишлаши мумкин. Бўйлама-кўндаланг ўқлари бўйича қўзғатиладиган синхрон машиналарнинг эксплуатацион


характеристикалари *магнитланиш ўқи бурилиши туфайли* анъанавий синхрон машиналарниқидан афзал бўлади, чунки якорь реакциясининг таъсири кўндаланг қўзғатиш чулғами МЮК томонидан компенсацияланади. Натижада, кўшимча кўндаланг қўзғатиш чулғами МЮК нинг ижобий таъсири туфайли машинанинг статик ва динамик турғунлиги ошади, эркин ва мажбурий тебранишлар частоталари тенглашган ҳолда резонанс ҳодисаларидаги машина параметрларининг катта амплитуда билан тебранишларини (1,*d*-расм) сўндириш имкони туғилади.

Бу расмда: *1* – тебранишлар сўндирилмаган ҳол; *2* – фақат бўйлама ўқи бўйича ростланганда бурчак θ нинг тебранишлари нисбатан камаяди, лекин тўла сўндириб бўлмайди; $U_{qo'z(0)d} = \text{const}$ бўлиб, кўндаланг қўзғатиш МЮК билан ростлашда эса (3) мазкур тебранишларни деярли тўла сўндириш имконияти бўлади ҳамда машинани бошқариш яхшиланади.

Ҳозирги вақтда Украинада Россия ҳамкорлигида қуввати 320 MV·A бўлган бўйлама-кўндаланг қўзғатишли ноаён қутбли синхрон компенсатор ишлаб чиқарилган ва самарали ишлатилмоқда.

4. Ўта ўтказувчан қўзғатиш чулғамли синхрон машиналар

Ҳозирги вақтда қўзғатиш чулғамлари ўта ўтказувчан материаллардан тайёрланган синхрон машиналарга бўлган қизиқиш ошиб бормоқда. Айрим металллар абсолют нул температурада ўта ўтказувчанлик кузатилади. Ўта ўтказгичларнинг қаршилиги амалий жиҳатдан нулга тенг. Бу ҳолда маълум бир критик температура ва магнит индукция ҳамда критик ток зичлиги сақланади. Ҳозирги вақтда саноат мақсадлари учун ниобий ва титан ёки ниобий ва қалай котишмаларидан тайёрланган ўта ўтказувчан материаллар фойдаланилмоқда.



Қуввати 1200 кВт, 3000 айл/мин бўлган ўта ўтказгич қўзғатиш чулғамли синхрон машина

Бундай ўтказувчан материаллар учун критик температуранинг қиймати $4,2 \div 5$ К, критик ток зичлиги 1000 А/мм², критик магнит индукцияси $4 \div 7$ Т га тенг.

Электр машиналари чулғамлари учун ўта ўтказувчан материалларни қўллаш кичик кесим юзасидан жуда катта ток ўтказиб кучли магнит майдонни ҳосил қилишга ва чулғамнинг массасини камайтиришга имконият яратади¹.

Ўта ўтказувчан материаллар асосан ўзгармас ток манбасига уланадиган машиналарнинг қўзғатиш чулғамлари ўрнида ишлатилди (2-расм). Уларнинг ўзгарувчан ток оқадиган чулғамлар ўрнида ишлатиш техник жиҳатдан мумкин, лекин электр исрофлар ва жуда кичик критик тоқлар бўлгани учун қулай ҳисобланмайди. Шунинг учун ҳозирги вақтда синхрон ва ўзгармас ток машиналари қўзғатиш чулғамлари учун ишлатиладиган ўта ўтказувчан материалларни яратиш устида ишлар олиб борилмоқда.

Қўзғатиш чулғами ўта ўтказувчан материалдан тайёрланган бўлса, критик температурада бу материални тутиб туриш учун махсус совитиш қурилмаси ичига солиш керак. Бундай совитиш қурилмасига *криостат* дейилади. Криостат Дьюар идиши бўлиб, унинг ичида қўзғатиш чулғами жойлаштирилиб суюқ гелий билан совитилиб туради. Иссиқликни камайтириш мақсадида бу идиш азот билан тўлдирилган бошқа идиш ичига жойлаштирилади. Синхрон машиналарда криостат роторда жойлаштирилади, ўзгармас ток машиналарда эса криостат статорда жойлаштирилади.

Ўта ўтказувчан материалдан бўлган чулғамда кучли магнит майдони ҳосил бўлгани учун, одатдаги магнит ўтказгични ишлатса магнит исрофлар анча кўпайиб кетади, ва шу сабабли, якорь чулғами жойлаштирилган муҳит пазсиз ёки номагнит материалдан ясалади, натижада машинанинг оғирлиги камаяди ва ўлчамлари кичиклашади.

Ферромагнит пўлат ўзакнинг бўлмаслиги эса машинанинг характеристикаларига якорь реакциясининг таъсири сезиларсиз бўлади. Оддий машиналарга караганда ўта ўтказувчан чулғамли машиналарда ҳаво оралиғида магнит индукциясининг қийматини 3÷4 марта, чизиғий юкломани эса 1÷2 марта ошириш мумкин бўлади, натижада машинанинг актив ҳажми 4,5÷8 мартагача кичиклашади.

Электр машиналарида ўта ўтказувчан материаллардан ташқари криоўтказувчан материалларни ҳам қўллаш устида изланишлар олиб борилмоқда. Бундай материал жуда кучли совитилганда ўзининг қаршилигини камайтиради, лекин ўта ўтказувчанлик хоссага эга бўлмайди. Криоўтказувчан материалга тозаланган алюминий мисол бўлади. Алюминий 20 К температурада ўзининг қаршилигини 10^4 марта камайтиради. Криоўтказувчан материалларни трансформаторлар чулғамларини тайёрлаш учун ҳам ишлатиш мумкин.

Назорат саволлари:

1. Криотурбогенераторлар деб қандай машинага айтилади?
2. Асинхронлаштирилган турбогенераторлар деб қандай машинага айтилади?
3. Магнитланиш ўқи буриладиган синхрон машиналар деб қандай машинага айтилади?
4. Ўтаўтказувчан синхрон машиналар деб қандай машинага айтилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Alimxodjayev K.T., Pirmatov N.B., Ziyoxodjayev T.I. Ekekr mashinalari. Darslik.– Toshkent: 2018.- 344 b.
2. Berdiyev U.T., Pirmatov N.B. Ekektromexanika. Darslik.–Toshkent: Shams ASA. -2014.-391 b.
3. Salimov J.S., Pirmatov N.B. Ekekr mashinalari. Darslik. – Toshkent: 2011.-408 b.
4. J.B.Gupta.Theory & Performanse of Elektrical Mashine.Published by S.K.Kataria & Sons. 2015.

IV. АМАЛИЙ МАШУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Трансформаторнинг трансформациялаш коэффициенти, бирламчи ва иккиламчи чулғамлари фазавий тоқларининг номинал қийматларини ҳисоблаш

Мақсад: Трансформаторнинг трансформациялаш коэффициенти, бирламчи ва иккиламчи чулғамлари фазавий тоқларининг номинал қийматларини аниқлаш.

Вазифа: Трансформаторнинг трансформациялаш коэффициенти, бирламчи ва иккиламчи чулғамлари фазавий тоқларининг номинал қийматлари топилсин.

Қуввати $S_N=100 \text{ kV}\cdot\text{A}$ бўлган уч фазали трансформатор чулғамлари Y/Δ схема бўйича уланган. Бунда трансформаторнинг киришида ва чиқишидаги номинал линиявий кучланишлар тегишлича қуйидагиларга тенг: $U_{1N} = 3,0 \text{ kV}$, $U_{2N} = 0,4 \text{ kV}$.

Трансформаторнинг трансформациялаш коэффициенти ҳамда бирламчи ва иккиламчи чулғамлари фазавий тоқларининг номинал қийматларини аниқлаймиз.

Ечиш. Бирламчи ва иккиламчи чулғамларининг фазавий кучланишлари

$$U_{1f} = U_{1N} / \sqrt{3} = 3,0 / \sqrt{3} = 1,732 \text{ kV},$$

$$U_{2f} = U_{2n} = 0,4 \text{ kV}.$$

Трансформаторда чулғамлар ўрамлари сонларининг нисбати

$$w_1 / w_2 = U_{1f} / U_{2f} = 1,732 / 0,4 = 4,32.$$

«Юлдуз (Y)» схемаси бўйича уланган бирламчи чулғамнинг номинал фазавий тоқи

$$I_{1f} = I_{1N} = S_N / (\sqrt{3} U_{1N}) = 100 / (\sqrt{3} \cdot 3,0) = 19,3 \text{ A}.$$

«Учбурчак Δ » схемаси бўйича уланган иккиламчи чулғамнинг номинал фазавий тоқи

$$I_{2f} = I_{2N} / \sqrt{3} = S_N / (3U_{2N}) = 100 / (3 \cdot 0,4) = 83,3 \text{ A}.$$

Шундай қилиб, фазавий тоқларнинг нисбати $I_{2f} / I_{1f} = 83,3 / 19,3 = 4,32$ трансформатор чулғамларида ўрамлари сонларининг нисбатига тенг.

Назорат саволлари

1. Бирламчи ва иккиламчи чулғамларининг фазавий кучланишлари қандай аниқланади ?
2. «Юлдуз (Y)» схемаси бўйича уланган бирламчи чулғамнинг номинал фазавий токи қандай аниқланади?
3. «Учбурчак Δ» схемаси бўйича уланган иккиламчи чулғамнинг номинал фазавий токи қандай топилади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Berdiyev U.T., Pirmatov N.B. Ekektr mexanika. Darslik.–Toshkent: Shams ASA. -2014.-391 b.
2. Salimov J.S., Pirmatov N.B. Ekektr mashinalari. Darslik. – Toshkent: 2011.-408 b.
3. J.V.Gupta. Theory & Performanse of Elektrical Mashine. Published by S.K.Kataria & Sons. 2015.
4. Салимов Д.С, Пирматов Н.Б., Мустафакулова Г.Н. Дидактический материал для практических занятий по курсу «Аналитическая электромеханика»: Учебное пособие. – Т.: ТашГТУ, 2013.
5. Alimxodjayev K.T., Pirmatov N.B., Ziyoxodjayev T.I. Ekektr mashinalari. Darslik.– Toshkent: 2018.- 344 b.

2-амалий машғулот: Асинхрон моторнинг параметрлари аниқлаш ва механик характеристикасини қуриш

Ишдан мақсад: асинхрон моторнинг параметрларини аниқлашни ва механик характеристикасини қуришни ўрганиш ўрганиш.

Вазифа: асинхрон моторнинг параметрларини аниқлансин ва механик характеристикаси қурилсин.

Кучланиши $U_c = 380$ В, частота $f = 50$ Гц бўлган қисқа туташтирилган уч фазали асинхрон моторнинг параметрлари куйидагича: $P_n = 14$ кВт, $n_n = 960$ об/мин, $\cos\varphi_n = 0,85$, $\eta_n = 0,88$, максимал момент карралиги $k_M = 1,8$.

Статор фазасидаги номинал ток, жуфт кутблар сони, номинал сирпаниш, валдаги номинал момент, критик момент, критик сирпаниш топилсин ва моторнинг механик характеристикаси қурилсин.

Ечиш. Тармоқдан истеъмол қилинаётган номинал қувват

$$P_{1H} = P_H / \eta_H = 14 / 0,88 = 16 \text{ кВт.}$$

Тармоқдан истеъмол қилинаётган номинал ток

$$I_{1H} = P_{1H} / (\sqrt{3} U_{1H} \cdot \cos\varphi_{1H}) = 16 \cdot 10^3 / (\sqrt{3} \cdot 380 \cdot 0,85) = 28 \text{ А.}$$

Машинанинг жуфт кутблар сони

$$p = 60 \cdot f / n_1 = 60 \cdot 50 / 1000 = 3,$$

бу ерда $n_1=1000$ – синхрон айланиш частота (роторнинг номинал айланиш частотаси $n_H = 960$ об/мин).

Номинал сирпаниш

$$s_H = (n_1 - n_H) / n_1 = (1000 - 960) / 1000 = 0,04.$$

Мотор валидаги номинал момент¹

$$M_H = P_H / \omega_H = P_H / (\pi \cdot n_H / 30) = 14 \cdot 10^3 / (\pi \cdot 960 / 30) = 139,3 \text{ Н·м.}$$

Критик момент

$$M_K = k_M \cdot M_H = 1,8 \cdot 139,3 = 250,7 \text{ Н·м.}$$

Критик сирпанишни қуйидагича аниқлаймиз: $M=M_H$, $s=s_H$ и $M_K/M_H = k_M$.

$$s_{кр} = k_M s_H + \sqrt{(k_M s_H)^2 - s_H^2} = s_H \left(k_M + \sqrt{k_M^2 - 1} \right) = 0,04 \left(1,8 + \sqrt{1,8^2 - 1} \right) = 0,132.$$

Критик тезлик

$$n_{кр} = n (1 - s_{кр}) = 1000 \cdot (1 - 0,132) = 868 \text{ об/мин.}$$

Моторнинг механик характеристикасини қуриш учун $n = n \cdot (1 - s)$ қуйидаги нуқталарни топамиз: салт ишлаш нуқтасидаги тезлик $s = 0$, $n = 1000$ айл/мин, $M = 0$, номинал нуқтадаги тезлик $s_H = 0,04$, $n_H = 960$ айл/мин, $M_H = 139,3$ Н·м ва критик нуқтадаги тезлик $s_{кр} = 0,132$, $n_{кр} = 868$ айл/мин, $M_{max} = 250,7$ Н·м.

Ишга тушириш нуқтасидаги ишга тушириш моменти $s_{II} = 1$, $n = 0$

$$\begin{aligned} M_{II} &= 2 \cdot M_{max} / [(s_{кр} / s_{II}) + (s_{II} / s_{кр})] = \\ &= 2 \cdot 250,7 / [(0,132 / 1) + (1 / 0,132)] = 65 \text{ Н·м.} \end{aligned}$$

Аниқланган нуқтадаги катталиклар орқали моторнинг механик характеристикасини қураимиз.

Назорат саволлар:

1. Асинхрон мотор статори фазасидаги номинал ток, жуфт қутблар сони қандай аниқланади?
2. Асинхрон моторнинг номинал сирпаниш, валдаги номинал момент, критик момент қандай аниқланади?
3. Асинхрон моторнинг критик сирпаниши қандай аниқланади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Berdiyev U.T., Pirmatov N.B. Ekektromexanika. Darslik.–Toshkent: Shams ASA.- 2014.-391 b.
2. Salimov J.S., Pirmatov N.B. Ekektr mashinalari. Darslik. – Toshkent: 2011.-408 b.
3. J.V.Gupta. Theory & Performanse of Elektrical Mashine. Published by S.K.Kataria & Sons. 2015.
4. Салимов Д.С, Пирматов Н.Б., Мустафакулова Г.Н. Дидактический материал для практических занятий по курсу «Аналитическая электромеханика»: Учебное пособие. – Т.: ТашГТУ, 2013.
5. Alimxodjayev K.T., Pirmatov N.B., Ziyoxodjayev T.I. Ekektr mashinalari. Darslik.– Toshkent: 2018.- 344 b.

3-амалий машғулот: Синхрон моторнинг айланиш частотаси, статор занжиридаги номинал ва ишга тушириш токлари, максимал, номинал, синхрон, ишга тушириш моментларини ҳамда синхронизмга кираётгандаги ($s = 5\%$) асинхрон моментни ҳисоблаш

Ишдан мақсад: синхрон моторнинг айланиш частотаси, чулғамидаги номинал ва ишга тушириш токлари, максимал, номинал, синхрон, ишга тушириш моментларини ҳамда синхронизмга кираётгандаги ($s = 5\%$) асинхрон моментни аниқлаш.

Вазифа: синхрон моторнинг айланиш частотаси, статор чулғамидаги номинал ва ишга тушириш токлари, максимал, номинал, синхрон, ишга

тушириш моментларини ҳамда синхронизмга кираётгандаги ($s = 5\%$) асинхрон моментни аниқлансин¹.

Уч фазали синхрон двигателнинг номинал параметрларининг қийматлари қуйидагича: номинал қувват $P_{\text{НОМ}} = 500$ кВт, қутблар сони $2p=12$, ФИК $\eta_{\text{НОМ}} = 93,7\%$; ишга тушириш токининг карралиги $I_{\text{П}}/I_{\text{НОМ}}=5,2$ А, ишга тушириш моментининг карралиги $M_{\text{П}}/M_{\text{НОМ}}=1,0$; максимал синхрон момент $M_{\text{МАХ}}/M_{\text{НОМ}}=1,9$, асинхрон момент (сирпаниш $s=5\%$) $M_{5\%}/M_{\text{НОМ}}=1,3$; статор чулғами “юлдуз” уланган. Тармоқдаги кучланиши $U_{\text{T}}=10$ кВ, частота 50 Гц, қувват коэффициенти $\cos\varphi_1 = 0,8$.

1. Айланиш частотаси

$$n_1 = 60f/p = 60 \times 50/6 = 500 \text{ айл/мин.}$$

2. Номинал юкламада мотор истеъмол қилаётган қувват

$$P_{1\text{НОМ}} = P_{\text{НОМ}}/\eta_{\text{НОМ}} = 500/0,937 = 534 \text{ кВт.}$$

3. Номинал юкламада статор занжиридаги ток ¹

$$I_{1\text{НОМ}} = P_{1\text{НОМ}}/(\sqrt{3}U_1\cos\varphi_1) = 534/(1,73 \times 10 \times 0,8) = 39 \text{ А.}$$

4. Ишга тушириш токи

$$I_{\text{П}} = I_{1\text{НОМ}} (I_{\text{П}}/I_{\text{НОМ}}) = 39 \times 5,2 = 203 \text{ А.}$$

5. Номинал юкламада мотор валидаги момент

$$M_{\text{НОМ}} = 9,55P_{\text{НОМ}}/n_1 = 9,55 \times 500 \times 10^3/500 = 9550 \text{ Н*М.}$$

6. Максимал (синхронный) момент

$$M_{\text{МАХ}} = M_{\text{НОМ}} (M_{\text{МАХ}}/M_{\text{НОМ}}) = 9550 \times 1,9 = 18\,145 \text{ Н*М.}$$

7. Ишга тушириш momenti

$$M_{\text{П}} = M_{\text{НОМ}}(M_{\text{П}}/M_{\text{НОМ}}) = 9550 \times 1,0 = 9550 \text{ Н*М.}$$

8. Синхронизмга киришдаги момент (сирпаниш 5% бўлгандаги асинхрон момент)

$$M_{5\%} = M_{\text{НОМ}}(M_{5\%}/M_{\text{НОМ}}) = 9550 \times 1,3 = 12\,415 \text{ Н*М.}$$

Жавоб: $n_1 = 500$ об/мин; $I_{1\text{НОМ}} = 39$ А; $I_{\text{П}} = 203$ А; $M_{\text{НОМ}} = 9550$ Н*М; $M_{\text{МАХ}} = 18\,145$ Н*М; $M_{\text{П}} = 9550$ Н*М; $M_{5\%} = 12\,415$ Н*М

Назорат саволлари:

1. Номинал юкламада мотор истеъмол қилаётган қувват қандай топилади?
2. Синхрон моторнинг максимал (синхронный) моменти қандай аниқ-ланади?
3. Синхрон моторнинг синхронизмга киришдаги момент (сирпаниш 5% бўлгандаги асинхрон момент) қандай топилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Berdiyev U.T., Pirmatov N.B. Ekektromexanika. Darslik.–Toshkent: Shams ASA. -2014.-391 b.
2. Salimov J.S., Pirmatov N.B. Ekekr mashinalari. Darslik. – Toshkent: 2011.-408 b.
3. J.V.Gupta. Theory & Performanse of Elektrical Mashine. Published by S.K.Kataria & Sons. 2015.
4. Салимов Д.С, Пирматов Н.Б., Мустафакулова Г.Н. Дидактический материал для практических занятий по курсу «Аналитическая электромеханика»: Учебное пособие. – Т.: ТашГТУ, 2013.
5. Alimxodjayev K.T., Pirmatov N.B., Ziyoxodjayev T.I. Ekekr mashinalari. Darslik.– Toshkent: 2018.- 344 b.

4-амалий машғулот: Параллел қўзғатишли ўзгармас ток мотори номинал юкламадаги i_n токни, ишга тушириш қаршилигини $r_{i,t}$, бошланғич ишга тушириш моменти $m_{i,t}$ ва салт ишлашдаги айланиш частотаси n_0 , салт ишлаш токи i_0 ни, юклама улангандаги номинал айланиш частотаси n_n ни ҳисоблаш.

Ишдан мақсад: параллел қўзғатишли ўзгармас ток мотори номинал юкламадаги i_n токни, ишга тушириш қаршилигини $r_{i,t}$, бошланғич ишга тушириш моменти $m_{i,t}$ ва салт ишлашдаги айланиш частотаси n_0 , салт ишлаш токи i_0 ни, юклама улангандаги номинал айланиш частотаси n_n ни аниқлаш.

Вазифа: параллел қўзғатишли ўзгармас ток мотори номинал юкламадаги i_n токни, ишга тушириш қаршилигини $r_{i,t}$, бошланғич ишга тушириш моменти $m_{i,t}$ ва салт ишлашдаги айланиш частотаси n_0 , салт ишлаш токи i_0 ни, юклама улангандаги номинал айланиш частотаси n_n ни аниқлансин.

Куйидагиларни аниқлаш керак: номинал юкламадаги I_N токни, ишга тушириш қаршилигини $R_{i,t}$, бунда ишга тушириш токи $I_{i,t} = 2,5 I_{a N}$ га тенг бо'лиши керак. Бошланғич ишга тушириш моменти $M_{i,t}$ ва салт ишлашдаги айланиш частотаси n_0 , салт ишлаш токи I_0 ni, юклама улангандаги номинал айланиш частотаси n_N ни топиш керак. *Якор реакцияси таъсири ҳисобга олинмайди.*

1. Номинал юкламадаги мотор истеъмол қилаётган қувват:

$$P_{1N} = P_N / \eta_N = 25 / 0,85 = 29,4 \text{ kW.}$$

2. Номинал юкламадаги мотор истеъмол қилаётган ток:

$$I_N = P_{1N} / U_N = 29,4 \cdot 10^3 / 440 = 67 \text{ A.}$$

3. Қўзғатиш чулғами занжиридаги ток:

$$I_q = U_N / r_q = 440 / 88 = 5 \text{ A.}$$

4. Якор чулғаидаги ток:

$$I_{aN} = I_N - I_q = 67 - 5 = 62 \text{ A.}$$

5. Якорнинг берилган 2,5 каррали бошланғич ишга тушириш токи учун

$$I_{a i,t} = 2,5 I_{aN} = 2,5 \cdot 62 = 155 \text{ A.}$$

6. Берилган 2,5 каррали ток учун якор занжири қаршилиги

$$R_a = R_{i,t.reos} + \Sigma r_a = U_N / I_{aN} = 440 / 155 = 2,83 \text{ } \Omega.$$

7. Ишга тушириш қаршилиги¹

$$R_{i,t.reos} = R_a - \Sigma r_a = 2,83 - 0,15 = 2,68 \text{ } \Omega.$$

8. Номинал юклама режимида якор ЭЮК

$$E_{aN} = U_N - I_{aN} \Sigma r_a - \Delta U_r = 440 - 62 \cdot 0,15 - 2 = 428,7 \text{ V.}$$

9. $E_a = C_E \Phi n$ ифодадан куйидагиларни аниқлаймиз:

а) $C_E \Phi = E_a / n = 428,7 / 1500 = 0,285;$

б) электромагнит момент (M_{em}) ва ЕУК E_a тенгламаларидаги ўзгармас коэффициентлар нисбати

$$C_M / C_E = [pN / (2\pi a)] / [pN / (60a)] = 9,55;$$

демак, бу ҳолда

$$C_M \Phi = 9,55 C_E \Phi = 9,55 \cdot 0,285 = 2,72.$$

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Berdiyev U.T., Pirmatov N.B. Ekektromexanika. Darslik.–Toshkent: Shams ASA. -2014.-391 b.
2. Salimov J.S., Pirmatov N.B. Ekektr mashinalari. Darslik. – Toshkent: 2011.-408 b.
- 3.J.B.Gupta.Theory & Performanse of Elektrical Mashine.Published by S.K.Kataria & Sons. 2015.
4. Салимов Д.С, Пирматов Н.Б., Мустафакулова Г.Н. Дидактический материал для практических занятий по курсу «Аналитическая электромеханика»: Учебное пособие. – Т.: ТашГТУ, 2013.
5. Alimxodjayev K.T., Pirmatov N.B., Ziyoxodjayev T.I. Ekektr mashinalari. Darslik.– Toshkent: 2018.- 344 b.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Кейс-1.

Мавзу: Электр моторнинг энергия самарадорлигини аниқлаш

Вазият: Тошкент иссиқлик электр станциясида технологик машиналарнинг электр моторларида энергия самарадорлиги пасайиб кетганлиги аниқланди.

Ушбу сабабини аниқлаш учун топшириқлар:

1. Электр схемаси ва номинал кўрсаткичлари юқорида келтирилган электр мотор учун:

1.1. Электр таъминотининг кучланишини танланг.

1.2. Тўлиқ қувват, қувват коэффиценти $\cos\phi$, ишга туширишдаги исрофлар $\Delta U\%$ гармоникалар (u_k , $k=nm\pm 1$)нинг таъсиридаги кучланиш пасайишини аниқланг.


1.3. Ҳисобланган параметрларнинг Халқаро стандартларга мувофиқлигини аниқланг.

1.4. $\cos\phi_{\Sigma} \geq 0,95$ бўлишини таъминланг.

2. Технологик машиналарнинг электр моторларининг энергия самарадорлиги қуйидаги критерийлар бўйича аниқланг.

2.1. Технологик машиналарнинг электр моторларининг энергия самарадорлигини аниқлаш қуйидаги критерийлар бўйича амалга оширилади:

- электр энергия таъминоти частотасининг сифати
- энергия самарадор электр моторларни қўллаш
- энергия самарадор ўзгарткичларни қўллаш
- электр моторнинг энергетик параметрларини (фойдали иш коэффиценти (ФИК)нинг максимуми, электр исрофларининг минимуми, истеъмол қилинаётган қувватнинг минимуми, қувват коэффицентининг максимуми ва х.к.).
- таъминловчи оптимал бошариш алгоритмларини амалга ошириш



Асинхрон мотор: U_m , В; η_d , %; $\cos \varphi_d$; Рд, кВт; k; N	Ростлагич: U_H , В; I_H , А	1 ф юклама: U, В; $P_{1\phi H}$, кВт; $\cos \varphi_{1\phi H}$	Трансформатор : S_{TP} , кВА; u_k , %	3 фазали юклаа: P, кВт; $\cos \varphi$
380/220	400	380	63	24
74.6	45	11	6.1	0.66
0.72				
11		0.75		
5.9				
30				

Кейс-2.

Мавзу: TMDdriv РУСУМЛИИ 6-10 КВ КУЧЛАНИШДА

ИШЛАЙДИГАН ЧАСТОТА ЎЗГАРТКИЧ

Частота ўзгарткич тиристорли қурилмалар аосида яратилган бўлиб, ҳозирда тиристорли IGBT технология аосида яратилган куч калит билан бирга фойдаланилади. Бу технология “TOSHIBA” компанияси томонидан биринчи бўлиб ишлаб чиқилган.

TMdrive “TOSHIBA” ва “MITSUBISHI” компаниялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган ва юқори қувватли ҳамда 6-10 кВ кучланишда ишлайдиган асинхрон моторли автоматлаштирилган тизимларда қўлланилади. Асинхрон


моторнинг қувват ўзгариши оралиғи юзлаб килловатдан ўнлаб меговаттгача бўлиши мумкин.

Юқори кучланишли частота ўзгарткичнинг қўлланилиши:

гидрозарб ва динамик ўта юкланишларни бартараф қилади;

насос, компрессор ва бошқа ўзгарувчан юкланишларда ишлайдиган агрегатларда электр энергиядан иқтисод қилишга олиб келади;

электр моторларнинг ишлаш муддатларини оширади ва ишга тушириш ҳамда иш жараёнларини оптималлаш натижасида кам электр энергия истеъмол қилади.



ВАЗИФА:

1. Мазкур ўзгарткичнинг функционал имкониятлари ва қўллаш мумкин бўлган соҳаларини аниқлаб беринг.

2. Ўзгарткич электр моторларни ишга тушириш жараёнида қисқа туташув содир бўлди. Қисқа туташувнинг келиб чиқиш сабабини аниқланг.

Кейси бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Мазкур ўзгарткичнинг функционал имкониятлари ва қўллаш мумкин бўлган соҳаларини аниқлаб беринг.
- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабаблар ва ҳал этиш йўллари жадвал асосида изоҳланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).

Муаммо тури	Келиб чиқиш сабаблари	Ҳал этиш йўллари


Кейс-3.

Мавзу: "НОРМА" РУСУМЛИ ЧАСТОТА ЎЗГАРТКИЧ

"НОРМА" русумли частота ўзгарткич электрон статик қурилма бўлиб, унинг чиқишида амплитудаси ва частотаси ўзгарадиган ўзгарувчан ток кучланиши ҳосил бўлади.

Асинхрон мотор статор чулғамига берилаётган амплитудаси ва частотаси ўзгарадиган ўзгарувчан ток кучланиши статор чулғамида электр ва магнит кўрсаткичларининг ўзгаришига олиб келади ва натижада мотор тезлиги ўзгаради.

"НОРМА" русумли частота ўзгарткичи таркибий қуйидаги электр қурилмалардан ибрат: уч фазали тиристорли тўғрилагич, кучланиш автоном инвертори, ток ва кучланиш ўлчов ўзгарткичлари, марказий бошқариш пулти, аналог-рақамли ва рақамли-аналог ўзгарткичлар.



"НОРМА" русумли частота ўзгарткичнинг функционал схемаси.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабаблар ва ҳал этиш йўллари ядвал асосида изоҳланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).

Муаммо тури	Келиб чиқиш сабаблари	Ҳал этиш йўллари

Кейс-4.

Мавзу:..ПЧ-ТТПТ РУСУМЛИ ТЕЗЛИГИ ЧАСТОТАНИ ЎЗАРТИРИБ РОСТЛАНАДИГАН АСИНХРОН МОТОРИ

ПЧ-ТТПТ русумли тезлиги частотани ўзартириб ростланадиган асинхрон электр моторнинг асосини ярим ўтказгичли билвосита частота ўзгарткич ташкил этади. DSP типдаги контроллернинг ишлатилиши асинхрон электр

моторнинг созланишини осонлаштиради ва шунингдек ишончлилик даражасини оширади.

Куч ярим ўтказгичли модулларни совутишда илғор усулларни қўллаш бу элементларнинг комфорт иссиқлик режимларда ишлашини таъминлайди. Асинхрон электр мотор частота ўзгарткичида тезликни ростлаш жараёнида кучланишни ростлаш векторли усулда амалга оширилиши тезликни аниқ даражада бўлишини таъминлайди. Электр моторнинг ишончли ишлашини, частотанинг кичик қийматларида моментни оширишини ва динамик исрофларнинг камайиши шартлари тўлиқ бажарилади.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабаблар ва ҳал этиш йўлларини жадвал асосида изоҳланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).

Муаммо тури	Келиб чиқиш сабаблари	Ҳал этиш йўллари

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Трансформатор	Кучланишнинг бирор бир қийматини бошқа қийматга айлантириб берадиган электромагнит статик аппарат	Electromagnetic Staat Apparatus, which makes a value of voltage tangibly different
Асинхрон машина	Статор магнит майдонининг айланиш частотаси роторнинг айланиш частотасига тенг бўлмаган машина	The rotation frequency of the magnetic field of the magnetic field of the magnetic field is not equal to the rotation of the rotor
Асинхрон мотор	Электр энергиясини механик энергияга айлантирадиган электромеханик ўзгарткич	An electromechanical transducer that turns electrical energy into mechanical energy
Асинхрон генератор	Механик энергиясини электр энергияга айлантирадиган электромеханик ўзгарткич	Electromechanical transducer that transforms mechanical energy into electricity
Синхрон мотор	Электр энергиясини механик энергияга айлантирадиган электромеханик ўзгарткич	An electromechanical transducer that turns electrical energy into mechanical energy
Асинхрон моторнинг энергетик кўрсаткичлари	Асинхрон моторнинг фойдали ва кувват коэффисиентлари	useful coefficient and power coefficient of asynchronous motor
Асинхрон моторларда реактив кувватни компенсациялаш	Асинхрон моторларга берилаётган кучланиш қийматини моторнинг юкланиш даражасига боғлиқ равишда ростлаш	Regulation of voltage supplying asynchronous motor related to motor load degree.
Синхрон машина	Статор магнит майдонининг айланиш частотаси роторнинг айланиш частотасига тенг бўлган машина	The rotation frequency of the magnetic field of the magnetic field is equal to the rotation of the rotor
Статор	Машинанинг қўзғалмас қисми	The driving force of the machine
Ротор	Машинанинг айланувчи қисми	The rotating part of the machine
Электр моторининг характеристикалари	Электр моторини эксплуатация қилиш жараёнидаги асосий харак-	The main characteristics of the electric motor excavation process

	теристикалар	
Трансформаторнинг чулғами	Асосий қисм ҳисобланиб ундан ток оқганда МЮК ҳосил бўлади	When the main part is overcurrent, the burner is generated
Трансформаторнинг пўлат ўзаги	Асосий қисм ҳисобланиб магнит майдонни кучайтиради	The main part is magnetic field
Машинанинг сови-тиш тизими	Машинанинг қизишини олдини олиш учун мўлжалланган қисмлар	Parts to avoid the heat of the machine
Статор чулғами	Асосий қисм ҳисобланиб ундан ток оқганда МЮК ҳосил бўлади	When the main part is overcurrent, the burner is generated
Вал	Айланувчи қисм бўлиб унга ротор маҳкамланади	The rotating part is fastened to the rotor
Коллектор	Мис пластиналардан иборат бўлиб мотор режимида ўзгармас токни ўзгарувчан токга айлантиради генератор режимида эса аксинча	The copper-plated, in the engine mode, turns the constant current into a variable current, while in the generator mode, on the contrary
Тахогенераторлар	айланиш тезлигини электр сигналига ўзгартирувчи генератор режимида ишлайдиган микромашиналар	Micro machines which work as a generator and transform the speed to electrical signal
Сирпаниш	Статор магнит майдонининг айланиш частотаси ва ротор айланиш частотаси орасидаги фарқ	The difference between the rotation frequency of the magnetic field of the stator magnet and the frequency of rotation
Компенсацион қурилмалар	электр тармоғи ва унга уланган асинхрон моторларнинг кувват коэффициентларини оширишга хизмат қилувчи конденсатор батареялари ва синхрон компенсаторлар	Condenser or synchronous compensators which help to increase power coefficient of electrical power supply or asynchronous motors
Синхрон машинанинг қўзғатиш чулғами	Асосий магнит майдонни ҳосил қилувчи чулғам	The main beacon of magnetic field
Синхрон тезлик	Статор магнит майдонининг айланиш частотаси	Stator magnetic field rotation frequency

VIII. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаёвон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь

“Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5847-сонли Фармони.

15. 15.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

16. 16.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

17. 17.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори

III. Махсус адабиётлар

1. Alimxodjayev K.T., Pirmatov N.B., Ziyoxodjayev T.I. Ekekr mashinalari. Darslik.– Toshkent: 2018.- 344 b.
2. Pirmatov N.B., Zayniyeva O.E. Elektromexanika asoslari. –Т.: Ма’naviyat, 2015. – 104 b.
3. Berdiyev U.T., Pirmatov N.B. Elektromexanika. –Т.: Shams-ASA, 2014. -391 b.
4. J.V.Gupta.Theory & Performanse of Elektrical Mashine.Published by S.K.Kataria & Sons. 2015.
5. Салимов Д.С, Пирматов Н.Б., Мустафакулова Г.Н. Дидактический материал для практических занятий по курсу «Аналитическая электромеханика»: – Т.: ТашГТУ, 2013. – 136 с.
6. Salimov J.S., Pirmatov N.B. Ekekr mashinalari. Darslik.– Toshkent: 2011.-408 b.
7. Имомназаров А.Т., Аъзамова Г.А. Асинхрон моторларнинг энергия тежамкор иш режимлари. Монография. - Тошкент: ТошДТУ, 2014. – 140 б.
8. Hoshimov O.O., Imomnazarov A.T. Ekektromexanik tizimlarda energiya tejankorlik. 2- nashr. Darslik. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2015. – 155 b.
9. A.A. Khfshumov, I.K. Pampias. Energysaving Solid State Drives Of Asynchronous Motors For Technological Machines And Installations. ISBN 978-960-93. Athens, 2011.

Интернет ресурслари:

1. <http://www.Ziyonet.uz>
2. <http://dhees.ime.mrsu.ru> ,
3. <http://rbip.bookchamber.ru>,
4. <http://energy-mgn.nm.ru>,
5. <http://booket.ru>,
6. <http://unilib.Ru>